МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 25 май. Шанба №45 (906) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## «ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

### бу олтин силсила ёрқин келажакнинг кафолатидир

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила институтини ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлиб вояга етишишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.**



Юртимизда буюк келажакни қуришга қодир баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги устувор вазифалар ижросини таъминлашда «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар эътирофга молик. Миллий матбуот марказида ўтказилган «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ижросини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг вазифалари» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган тадбирда Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Оила» илмий-амалий маркази масъуллари, фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари мутасаддилари, фуқаролар йиғинлари раислари, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, бағрикенг, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган, маънавияти юксак авлод этиб тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бу олтин силсила ўсмирлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм, «оммавий маданият» ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

> [2]

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

## «ГУЛБОҒ»ДАГИ ЯНГИ УЙЛАР ФАЙЗИ ЎЗГАЧА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Паркент туманидаги «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувнайди. У ердаги шарт-шароитлар шаҳардагидан кам эмас.**

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида турар-жойлар, улар атрофидаги замонавий инфратузилма иншоотлари, шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган янги мавзелар бунёд этилиши Паркент аҳолисининг турмушини тубдан ўзгартирди.

— Маҳалламизда 481 та хонадон бор, — дейди «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бекзод Эгамбердиев. — Уларнинг 66 таси намунавий уйларда истиқомат қилишади. Шунингдек, кишилар турмуш шароитини яхшилаш, улар ўртасидаги меҳр-оқибат тушунчаларини мустаҳкамлаш мақсадида гузар ёнида маҳалла маркази ташкил этдик. У ерда савдо дўкони, тўйхона ва чойхона қурилган. Қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлодни етук ва баркамол бўлиб улғайиши учун мини футбол стадиони, баскетбол ва болалар майдончалари фаолият юритмоқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам бу ердаги бунёдкорлик ишларига юқори баҳо беришди.

Дарҳақиқат, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш мақсадида ташкил этилган намунавий уйларда яратилган шарт-шароитлардан уларнинг эгалари мамнун, озод ва обод Ватанда яшаётганларидан қалбларида ифтихор туйишмоқда.

> [3]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

БУХОРО ВИЛОЯТИ

*Юртимизда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида маҳалланинг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга алоҳида урғу берилган эди.*

*Айни пайтда фуқаролар йиғинларида касаначилик, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш ниятида бўлган оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида махсус марказлар ташкил қилиниб, аҳолига амалий ёрдам берилмоқда.*

*Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Оилани ижтимоий ҳимоялаш» марказларида ҳунар ўргатиш ва бизнес курслари ташкил этилди. Ана шундай курслардан ўтган аёлларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва туман бўлинмалари томонидан 16 та қорамол, ҳомийлар кўмагида 433 та оиланинг ҳар бирига 10 тадан парранда олиб берилди.*

*Бундан ташқари, ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган 28 нафар аёлга 2013 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида вилоят тижорат банклари томонидан 50 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.*

*Сабзавот, мева ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келаётир. Шунингдек, маҳаллаларда пилла, гўшт, тухум, асал ва балиқ маҳсулотлари ҳам етиштирилмоқда.*

*Шу кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жойларда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, маҳаллалар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда томорқа эгаларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари ҳамда кўчатлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ва маҳаллий ўғитлар, ҳашарот ҳамда зараркунандаларга қарши ишлатиладиган препаратларни етказиб бермоқда.*

*Жумладан, баҳорги экин мавсумида 1 миллиард сўмлик сабзавот ва полиз маҳсулотлари уруғлари хайрия асосида тарқатилди. Жойларда умумий овқатланиш, новвойлик, қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик каби савдо ва хизмат кўрсатиш турларига талабнинг ортиб бориши ҳам оилавий бизнеснинг ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.*

*Албатта, бу каби тадбирлар натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг бандлик даражаси ортмоқда.*

*Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобидан вилоятда жорий йилнинг ўтган даври давомида 2964 та ишчи ўрни яратилди. Ана шундан 1212 тасига хотин-қизлар жойлаштирилди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларида 2363 нафар аёл меҳнат билан машғул. Деҳқон ва томорқа хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилган 4574 нафар иш ўрнининг 1943 тасида, касаначилик асосида яратилган 2382 та иш ўрнининг 968 тасида опа-сингилларимиз фаолият олиб бормоқда.*

*Буларнинг барчаси юртимиз ободлиги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг дебочасидир.*

Каромат МАҲСУДОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Бухоро вилояти бўлими бош мутахассиси.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## ВАКОЛАТЛАР ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАЙДИ

**Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда маҳалла нафақат одамларнинг бошини қовуштирадиган маскан, айни чоғда демократиянинг умумқабул қилинган талаблари уйғунлашган муҳим институт сифатида шаклланди.**

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш алоҳида белгилаб берилган.

Яқинда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун Концепцияда кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, ушбу қонун билан фуқаролар йиғинлари ваколатлари бирмунча кенгайтирилди. Хусусан, ҳудуднинг санитария ҳолати юзасидан ўз ваколати доирасида фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан, никоҳдан ўтиш ҳамда тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар беришда кафил бўлиш белгилаб қўйилди.

> [2]

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАРИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Қизғалдоқ гули тўкила бошлаган кунлар юракка титроқ ва илиқлик олиб киради. Бу кимда қандай кечади, ўзигагина аён. Аммо мактаб остонасига илк қадам қўйганига тўққиз йил тўлган ўғил-қиз қалбини бу онларда ҳис-ҳаяжон чулғаши аниқ.**

Мактаб билан хайрлашув кунида чалинган сўнгги қўнғироқ ўқувчилар дилига бир дунё орзулар тугиш ва уларнинг рўёби учун чорлов қўнғироғидир.

Бугун юртимиздаги барча мактабларда сўнгги қўнғироқ садолари янграйди. Ўғил-қизлар гулдасталар кўтариб устозлари ҳузурига ошиқадилар. Ҳеч муболағасиз, бу кун беғубор орзулар қанотидаги ўсмир-ёшлар, меҳридарё устозлар, фарзанди камолидан умидвор ота-оналар учун байрамга айланади.

Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, ёшларга таълим-тарбия беришнинг ноёб миллий тизимини яратишга доир улкан ишлар замирида Ватанимизни жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари сафига олиб чиқиш, халқимизнинг турмушини янада обод этиш, инсон манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятнинг барча жабҳалари учун юқори малакали, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тарбиялаш ва шу орқали фуқаролик жамиятини янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

> [4]

РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ

## АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**23-24 май кунлари пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида миллий адабиётимизни кенг тарғиб этиш, китобхонлик маданиятини янада юксалтириш мақсадида Республика китоб байрами ўтказилди.**

Ушбу байрам тадбири Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, «Ўздавкитобсавдотаъминоти» масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга, жумладан, миллий маънавият ва тафаккур ифодаси бўлган адабиётимизга қаратилган юксак эътибор ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир доирасида пойтахтимизда фаолият юритаётган 30 га яқин нашриётлар томонидан чоп этилган адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.

> [2]

БАЛЛИ ҚИЗЛАР

## ОРАСТАЛИК, ЗУККОЛИК ВА БИЛИМДА МОҲИРАЛАР

**Қува туманидаги 4-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Муруvvатхон Ғафforжоновага ҳавас қиладиган тенгдошлари кўп. Чунки у Республика «Ораста қизлар» фестивалида Фарғона вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолибликни қўлга киритган иқтидорли қизлардан.**

Устозлари, дўстлари она тили ва адабиёти фанидан йилнинг энг билимдон ўқувчиси бўлган Мурувватхонга ишонч билдириб, адашишмади. Фарғона вилоятининг «Ниҳол» қизлар жамоаси таркибида республика фестивалида чиқиш қилиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Иштирокчилар «Миллий қадриятлар, қўни-қўшничилик, ўзаро ҳурматни ёшлар онгига сингдириш, бола тарбиясида маҳалла фаолларининг ролини ошириш» мавзусидаги муаммолар, уларни бартараф этишнинг таъсирчан усулларини аниқ мисоллар орқали намойиш этиб бердилар.

Республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан умумтаълим мактабларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги қисқа фурсатда ўзининг ижобий натижаларини бераётир. Айни кунда Фарғона вилоятидаги тўққиз юз битта умумтаълим мактабида хотин-қизлар қўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда фаолияти йўлга қўйилган тўгарак ҳамда унга жалб этилган фаол ўқувчи қизлар том маънода мактаб ва маҳалла аҳлининг суянчиғига айланишган.

> [4]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# ВАКОЛАТЛАР ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАЙДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Айни пайтда маҳаллага тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат корхоналари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан бирга ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш каби қўшимча ваколатлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориши бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар чоракда юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиёти замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Янги таҳрирдаги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик назорати коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ички йўллар, болалар майдончаларини таъмирлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, бунда фуқаролар йиғинларида ташкил этилган Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия фаолияти етакчи ўрин тутади.

Комиссия аъзолари томонидан ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қонун ҳужжатлари ҳамда фуқаролар йиғинлари қарорлари ижросини назорат қилиш, ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тайёргарлик кўриш, ҳудудларни ободонлаштириш, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ўтказиш борасида олиб борилган чора-тадбирлар жамоатчилик назорати шаклида акс этмоқда.

Мустаҳкам оила йилида республикамиздаги фуқаролар йиғинларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан 8 минг 600 дан зиёд ҳисоботлари эшитилиб, кўплаб масалалар ўз ечимини топган эди. Ободонлаштириш масалалари юзасидан эса ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг 4593 та ҳисоботи эшитилгани маҳалланинг бу йўналишдаги фаолияти нечоғли кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Тошкент шаҳрида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган жамоатчилик назорати институтларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги доимий комиссиялар, шу жумладан, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича изчил ишлар олиб бормоқда. Айниқса, сайловчилар билан учрашувларда, турли тадбирларда маҳаллада жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмлари ҳақида батафсил тушунча берилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида пойтахтимиздаги 476 та фуқаролар йиғинининг қарийб барчасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган. Уларда йиғинлар ҳаётига доир долзарб масалалар, шу жумладан, ободонлаштириш, ёшлар тарбияси, коммунал хизмат сифати, оилавий поликлиникалар фаолиятини яхшилаш каби муҳим мавзулар муҳокама этилди. Маҳалла аҳлини ўйлантираётган масалаларга ечим изланди, бир қатор муаммолар ҳал этилди. Зотан, жамоатчилик назоратининг асосий мақсади ҳам аҳолини ўйлантираётган масалаларга самарали ечим топишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамияти изчил ривожланиб, у инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилига айланди. Бу борада, айниқса, жамоатчилик назорати институтидан самарали фойдаланилаётир. Соҳанинг қонунчилик асоси замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар пировардида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилида кўзланган улуғвор мақсадларни рўёбга чиқаради.

**Акром ҲОШИМОВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов 2013 йил 24 май куни 72 ёшида вафот этди.

Ў.Ҳошимов 1941 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлади.

У меҳнат фаолиятини 1959 йили «Темирйўлчи» газетасида оддий ходим сифатида бошлади. Кейинчалик «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» газеталарида хизмат қилди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири каби масъул вазифаларда ишлаб, адабиётимиз ва матбуотимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ў.Ҳошимов мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. 1995-2000, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Истеъдодли адиб ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида «Муҳаббат», «Урушнинг сўнгги қурбони», «Ўзбек иши» каби ҳикоялари, «Чўл ҳавоси», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари» сингари қиссалари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби романларида даврнинг муҳим маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқди. Ушбу асарлар миллий руҳи ва халқчиллиги, ҳаётийлиги, ўзига хос ёрқин услуби билан кенг китобхонлар қалбидан жой олди.

Ў.Ҳошимов драматургия соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, «Хазон бўлган баҳор», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак», «Қатағон» сингари долзарб мавзулардаги драматик асарларни яратди. Унинг жаҳон мумтоз адабиётининг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари адабиётимиздан муносиб ўрин эгаллади. Айни пайтда, ёзувчининг қатор асарлари жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинди.

Атоқли адиб мустақиллик йилларида, айниқса, ғайрат-шижоат билан ижод қилди. Бадиий асарлар билан бирга, маҳоратли публицист сифатида Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг эркин, озод ва фаровон ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи «Она битта, Ватан ягона», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз», «Истиқлолни асрайлик», «Кечани унутмаган бугунни қадрлайди» каби ўнлаб мақолалар эълон қилиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ў.Ҳошимов тажрибали адиб, жонкуяр ташкилотчи сифатида маданий жараёнларда фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоя тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Ўткир Ҳошимовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Меҳнат шуҳрати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ўткир Ҳошимовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.ИКРОМОВ, Х.СУЛТОНОВ, М.АҲМЕДОВ.

РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ

# АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

< [1]

— Кўтаринки руҳда ўтган китоб байрами замирида, аввало, мамлакатимизда баркамол авлод вакилларига кўрсатилган меҳр-муҳаббат мужассам, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. — Яқинда бир гуруҳ адиблар билан Фарғона водийсида ўтган шундай анжуманда қатнашдик. Мутасаддиларнинг айтишича, ана шу тадбирларда 1 миллиондан ортиқ китоб ўқувчилар қўлига етиб борди. Бундай ишларга маҳаллалардаги обрў-эътиборли кишилар, тадбиркорлар ўз ҳиссасини қўшиб, маҳалладошлари, қўни-қўшнилари фарзандларига ажойиб китобларни ҳадя этишди. Яна бир нарсани унутмаслигимиз керак. Бу сингари маърифий тадбирлар том маънода ижодкорлар меҳнатининг эъзозланаётганидан далолатдир.

ришдаги хизматлари натижаси, деб биламан. Китоб ўқиш жараёнида инсон фақатгина завқ олмайди, балки истеъдодли ижодкорлар, улуғ аждодларимиз билан фикр алмашади. Уларнинг битикларидан ҳикмат ва ибрат олади.

Истиқлол йилларида барча жабҳаларда бўлгани сингари матбаа соҳасига ҳам замонавий технологиялар кириб келди. Бугун мамлакатимизда сўнгги технологиялар асосида китоблар чоп этилмоқда, графика бўйича рассомлар, дизайнерлар фаолиятида ҳам янги давр бошланганини кўриш мумкин.

— Байрамга нашриётимиз томонидан чоп этилган 100 дан зиёд номдаги китоб билан қатнашмоқдамиз, — дейди «Янги аср авлоди» нашриёти ходими Ўлмасхон Назарова. — Улар орасида ўғил-қизларимизнинг маънавий дунёқарашини бойитадиган, уларни фикрлашга ундайдиган бадиий асарлар билан бирга, илмий-оммабоп луғатлар ҳам бор.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримов «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида шундай ёзади «...агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди».

Китоб сайлига ташриф буюрган ота-оналар, ўқувчилар ҳамда талаба-ёшлар ўртасида «Китобхон оила», «Энг яхши китобхон» каби турли совринли интеллектуал ўйин ва викториналар, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Уларда бевосита шоир-ёзувчилар иштирок этиб, ғолибларга совғалар топширдилар.

— Умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган «Энг фаол китобхон» танловининг туман ва шаҳар босқичларида нуфузли ўринни эгалладим, — дейди Учтепа туманидаги 229-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳинур Абдураҳмонова. — Эндиликда танловнинг республика босқичига тайёргарлик кўряпман. Бу муваффақиятларимни китобхон ота-онамнинг, қолаверса, устозларимнинг мутолаа маданиятини шакллантиришдаги хизматлари натижаси...

Боғ саҳнасида таниқли санъаткорларнинг чиқишлари намойиш этилиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш ижодкорларнинг мушоиралари ўтказилди.

Байрам доирасида ўтган «Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият-маърифат, таълим, нашриёт, матбаа соҳаси вакиллари ноширлик ва ахборот-кутубхона соҳасига доир ҳуқуқий асослар, уни такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистонда китоб графикасининг тарихи, ривожланиш тенденциялари, жаҳон алоқа тармоғида миллий адабий меросимизни тарғиб этишнинг долзарб вазифалари хусусида фикрлашдилар.

Китоб байрамида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Бундай маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳам юқори савияда ўтказилди.

**Нурилла ЧОРИЕВ**
**«Mahalla»**

«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ»

# Анъана давом этади

☑ **Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар вакилларини тиббий кўрикдан ўтказиш юртимизда ўзига хос анъана тусини олган.**

Ана шу мақсадда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Тошкент — Сариосиё — Қумқўрғон — Бойсун — Оқработ — Деҳқонобод — Тошкент йўналиши бўйлаб йўлга чиқди.

Дастлаб «Саломатлик поезди» Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё ва Қумқўрғон туманларида бўлди. Кам таъминланган оилаларга хайрия сифатида 26 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон тарқатилди.

Қашқадарё вилоятининг Оқработ станциясида «Саломатлик поезди» тантанали равишда кутиб олинди. Шу ернинг ўзида 260 нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилди. Ётиб даволаниши лозим бўлган беморларга Тошкент ва Қарши шаҳарларидаги шифохоналарга йўлланмалар берилди.

Бешбулоқ станциясида 300 нафарга яқин кишига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.




Ушбу хайрия акцияси давомида аҳолига ва даволаш профилактика муассасаларига қиймати 287,5 минг АҚШ доллари ҳамда 42,5 миллион сўмга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари, кийим-кечак, санитария-гигиена воситалари тарқатилди.

**Мухбирларимиз.**

ФОНД КЎМАГИДА

# Фахрийлар оромгоҳда

☑ **Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими 50 нафар уруш ва фронт орти қатнашчисини Маданият сиҳатгоҳига жўнатди.**

Барча харажатлар фонд ҳисобидан қопланади. Нуронийлар 14 кун давомида саломатликларини тиклаш билан биргаликда Андижон шаҳри Пахтаобод туманининг зиёратгоҳ жойларини томоша қиладилар ҳамда мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.

— Бундай ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, хўжаободлик 88 ёшли отахон Дадажон Шомуродов. — Ана шундай эътибор туфайли ўзимизни соғлом ва бардам ҳис қиляпмиз. Ҳаётга бўлган иштиёқимиз ортиб боряпти.

Сиҳатгоҳдаги бошқа уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам ана шундай фикрда эканликларини уларнинг қувноқ кайфиятидан, юзидаги мамнуниятдан илғаб олиш қийин эмас.

**Нурилло НУЪМОНОВ.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# «ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

## бу олтин силсила ёрқин келажакнинг кафолатидир

< [1]

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 175-сонли қарори ижроси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан изчил таъминланмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Мактуба Орипова. — Обод турмуш йилининг биринчи чорагида «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан республикамиздаги барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ҳудудий жамоат кенгашлари томонидан таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш мақсадида 16 мингдан ортиқ, ўқувчиларнинг давомати бўйича 13 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, ўқишга мунтазам қатнамайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари билан 7555 марта тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўз навбатида, 5780 та тарғибот гуруҳи шакллантирилиб, улар учун 2122 марта ўқув-семинар уюштирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ўртасида 2012 йил 7 декабрда «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда фуқаролар йиғинларининг амалий ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор имзоланди. Қарорда таълим муассасалари ва фуқаролар йиғинлари амалий ҳамкорлигининг асосий йўналашлари ва ҳар иккала тизимнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Ўтган давр мобайнида қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида 816 та давра суҳбати, 734 марта учрашув ҳамда 1401 та профилактик тадбир ўтказилди. Уларга 37 минг нафардан зиёд ёшлар жалб этилди.

— Туманимизда баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилган, — дейди Фонднинг Тошкент шаҳар Яккасарой тумани бўлинмаси бош мутахассиси Гулчеҳра Жўраева. — Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ҳамда ёшлар билан яқин муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида «Бир болага етти қўшни ота-она», «Маҳалла ва оила маънавиятининг мустаҳкамлиги» каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қиляпмиз.

Айни пайтда «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги механизмини янада кучайтириш борасида фуқаролар йиғинлари томонидан қатор ишлар бажарилаётир. Хусусан, таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ошириш, фарзандлар тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган ота-оналарни фуқаролар йиғинларида муҳокама қилиш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, зарур ҳолларда маҳалла фаолларини бириктиришда йиғинлар ҳузурида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Маҳалламизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни «оммавий маданият», диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, ҳудуддаги нотинч оилаларни аниқлашда «Ота-оналар университети» аъзолари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди Тошкент вилояти Зангиота тумани Чоштепа қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова. — Йиғинимизда уч минг нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 60 фоизи ёшлардан иборат. Ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этувчи, шунингдек, ўқувчи-ёшлар давоматига оид кўплаб тушунтириш ишлари ташкил этилди. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг давомати тўлиқ таъминланиб, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинмоқда. «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга йўналтириш, спорт машғулотларига жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда республикамиздаги барча маҳаллаларда ёшларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тўлиқ тайёрлаш мақсадида «Бир болага етти қўшни ота-она», «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз!», «Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш — ўз қўлимизда», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам» мавзуларида 5 мингдан зиёд учрашувлар ташкил этилгани айтиб ўтилди.

Тизим мутасаддиларига «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берилди. Йиғилиш иштирокчилари ҳамкорлик вазифаларини самарали амалга оширишда фонднинг бош мутахассислари, шунингдек, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ўз навбатида, тегишли ташкилотлар олдида турган долзарб вазифаларга ҳам алоҳида тўхталдилар.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олдилар.

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ТАДБИРЛИ ЭЛ ЮРТНИНГ КЎРКИ, ЗИЙНАТИДИР



М.ҲАБИБУЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Президентимиз томонидан маҳалла институтига қаратилаётган эътибор, хусусан, унинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда тузилмани оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар юртимиз фуқароларининг қобилият ва имкониятларини юзага чиқаришда, кишилардаги ишбилармонлик салоҳиятининг ортишида муҳим омил бўлмоқда.**

Маҳаллаларда ишлаб чиқариш корхоналари, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилаётгани нафақат кишиларнинг меҳнат билан бандлигини таъминламоқда, балки ҳудудлар инфратузилмасига ҳам ижобий таъсир ўтказаётир. Бундай манзараларни Қорақалпоғистоннинг овул ва маҳаллаларида ҳам кузатиш мумкин.

Жумладан, Манғит шаҳар «Дўстлик» маҳалласи ҳам тараққиётга юз тутган масканлардан. 13 та кўчадан иборат маҳаллада уч ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти асосий иш жойига эга. Шунга қарамай, оилавий тадбиркорликка қўл уриб, қўшимча даромад топаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Дурадгор-уста Ботир Камоловнинг муваффақиятлари бошқа маҳалладошларини ҳам илҳомлантирмоқда. Оилавий тадбиркор айни пайтда янги иморат қураётган манғитликларнинг буюртмалари асосида эшиклар, дераза ромлари ва бошқа рўзғорбоп буюмлар ясашни йўлга қўйди. Шу билан бирга, ҳунар ўрганишни хоҳлаган маҳалла ёшларига дурадгорлик сирларини ўргатмоқда. Даромад яхши, оиласида фаровонлик ҳукмрон. Яқинда устанинг шогирдларидан бири Раҳмон Сафарбоев ҳам ўз оилавий тадбиркорлигини бошлади. Унинг мақсади бунёдкорлик туфайли ўзгараётган Манғит қиёфасига оз бўлса-да, хизматлари билан зеб бериш.

Яна бир тадбиркор Баҳодир Ниёзовнинг Дўстлик кўчасидаги кўркам хонадонига юмуш билан тез-тез келувчилар ҳатто Манғитдан ташқарида ҳам топилади. Гап шундаки, оддий темирга ишлов беришда беназир устанинг гулдор панжаралари, зинапоя тутқичлари, дарвозалари, болалар учун арғимчоқлари ўзининг сифати ва гўзаллиги билан барчага манзур бўлаётир. Б.Ниёзов ҳунарини маҳалла ёшларига ўргатишдан эринмайди.

Бундан ташқари, ҳудудда тикувчилик, автотеххизмат, шоли ва буғдой тегирмонлари, пойабзал таъмирлаш, сартарошлик орқали эл корига яраётганлар сони ортиб бораётир. Кишилардаги ишбилармонлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик ҳиссининг кучаяётганини «Дўстлик»нинг кундан-кунга кўркамлашиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу муваффақиятларнинг қўлга киритилишида маҳалла фуқаролар йиғинининг, хусусан, ташкилотчи ва ишнинг кўзини биладиган, эл-улусни ҳамжиҳатликда эзгу ташаббусларга ундайдиган раҳбар — йиғин раисининг хизматлари беқиёс. Кунни 504 уйли маҳалланинг қувончу ташвиши билан бошлайдиган Отабек Ўразимбетовнинг ишлари, айниқса, шу кунларда ниҳоятда «қайнаган». Чунки идорада эрталабдан одам гавжум: кимдир тадбиркорлигини кенгайтириш мақсадида жой, кимдир ўз бизнесини бошлашга моддий кўмак, яна кимдир ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришга доир лойиҳасини пухталаштиришга маслаҳат сўраб келган. Раис эса ҳар бир мурожаатга ижобий ечим топишга интилади, хайрли ташаббусларни мудом қўллаб-қувватлайди.

— Президентимизнинг маҳалла институтига эътиборлари бизга қанот бераётир, — дейди О.Ўразимбетов. — Чунончи, масъулиятимиз ҳам шунга яраша ошиб боряпти. Соҳага оид қонунчилигимизга янги нормалар киритилиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари мустаҳкамланди. Фаолиятимизни ана шу мезонлар асосида ташкил этишга, билдирилган ишончни оқлашга интиляпмиз. Ҳудудимиздаги Манғит сервис хизматлари касб-ҳунар коллежини битираётган ўқувчиларнинг бандлигини таъминлашга, хусусан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги қобилиятли йигит-қизларга кредитлар олишга кўмаклашяпмиз. Жорий йилнинг шу даврига қадар 10 та битирувчининг банклардан имтиёзли кредит олишига ёрдам бердик. Бундай саъй-ҳаракатларни келгусида ҳам давом эттирамиз.

Тадбиркор — элга мададкор, дейишади. Манғит шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласи фаоллари буни чуқур ҳис қилган ҳолда фонд бўлинмаси, қатор ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Шу боис ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнеснинг турли йўналишларини йўлга қўйиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ПАРРАНДАЧИЛИК

# ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

**Ғаллаорол тумани марказидаги «Олимлар» маҳалласида яшовчи Муҳаммадиевлар хонадонида 7 мингта товуқ боқилаётир. Оилавий тадбиркорлар савдо шохобчаларига кунига 5,5 мингдан зиёд тухум етказиб беришмоқда.**



Оила бошлиғи Абдумурод Муҳаммадиев тиниб-тинчимас, изланувчан. У парранда боқишга киришганида жониворлар сони юздан зиёдроқ эди. Даромад чакки бўлмади, Абдумурод ака тезда фаолият кўламини кенгайтиришга тушди. Фуқаролар йиғини мутасаддилари кўмагида олинган кредит маблағи эвазига товуқлар сони 7 мингтага етказилди. Ота бошлаган ишга оиланинг бошқа аъзолари — турмуш ўртоғи Ойдин опа, ўғли Сарвар ва келинлари Холниса астойдил ҳисса қўшишди.

Барака — ҳамжиҳатликда. Оилавий тадбиркорлик аввало оиланинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилди.

— Ҳукуматимизга раҳмат, тадбиркорларни банк кредитлари билан қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик қилаётир, — дейди Абдумурод Муҳаммадиев. — Бундан фойдаланиб, биз ҳам паррандачиликни йўлга қўйиш учун бошланғич маблағни «Микрокредитбанк» туман бўлимидан олгандик. Паррандачилик — сердаромад тармоқ, унда харажатлар тез қопланади. Шу боис қарзни муддатидан олдин қайтаришга ҳаракат қилаётирмиз.

Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Аммо замонавий технологиясиз соҳадан барака топиш қийин. Жумладан, товуқлар сақланадиган махсус сим тўр катакчалар, суғориш, озуқа тарқатиш, тозалаш, иситиш ва совутиш ускуналари зарур.

Товуққа бериладиган озуқа таркибида табиатдан олинадиган микроэлементларнинг барчаси бўлиши лозим. Булар катта миқдордаги сарф-харажатни талаб этади.

— Бизни қийнаётган муаммо — паррандалар учун махсус омухта емнинг йўқлиги, — дейди А. Муҳаммадиев. — Тўғри, туман марказида шахсий чорва моллари еми сотиладиган дўконлар ишлаб турибди. Аммо уларда парранда еми йўқ. Товуққа бериладиган омухта ем таркибида буғдой, арпа, макка унидан ташқари гўшт, суяк уни, оқсил, микроэлементлардан тортиб, ёғ ва витаминларгача бўлиши керак. Бу зарур озуқа ва дармондориларни Тошкент, Самарқанд шаҳарларидан олиб келамиз.

Шу йилнинг биринчи чорагида туманда ташкил этилган 70 та оилавий тадбиркорнинг ўндан зиёди парранда боқишни бошлашди. Тумандаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари учун ажратилган 6 миллиард сўмга яқин кредит маблағларининг асосий қисми оилавий тадбиркорларни қўллашга йўналтирилди. Демак, озуқа таъминотидаги муаммоларни ҳал этмай туриб, тармоқнинг ривожланишига эришиб бўлмайди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 250 та хонадонга 5 мингта товуқ бепул берилди.

— Маҳалламиздаги барча хонадонларда парранда боқилади, — дейди «Олимлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Назокат Ҳасанова. — Аммо бу ишни оилавий тадбиркорлик даражасига етказган хонадонлар кам. Таъкидлаш жоизки, паррандачиликни ривожлантиришда фойдаланилмаган имкониятлар ҳам кўп.

Бинобарин, давлатимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган катта имтиёзлар, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар паррандачиликка ихтисослашган оилавий тадбиркорлик имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# Тезкорлик ва оммабоплик



**молия-банк тизимининг янги уфқларини намоён этаётир**

**Ҳар бир соҳага фан янгиликларини, хусусан, ахборот технологияларини жорий қилиш кўплаб қулайлик ва имкониятларни юзага чиқармоқда.**

Жумладан, банк тизимида инновацион ахборот технологияларининг татбиқ этилиши мамлакатимизда қисқа муддатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга омил бўлди. Ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим молия бозори барқарорлигини таъминлаб, давлатимиз пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Миллий матбуот марказида республика Марказий банки томонидан ўтказилган матбуот анжумани замонавий банк хизматлари ривожланиши истиқболлари мавзусига бағишланди.

Анжуманда таъкидланишича, ҳозирги кунда миллий тўлов тизими негизида Марказий банкнинг ягона банклараро тўлов тизими, 29 та тижорат банкининг ички тўлов тизимлари, шунингдек, банк карталари бўйича барча тижорат банкларини қамраб олган «Uz-Kart» банклараро чакана тўлов тизими, аҳолидан уяли алоқа хизмати, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича «Uz-Paynet» тўлов агентлик тармоғи ҳамда «SMS-TO'LOV» чакана тўлов тизимлари фаолият юритмоқда.

Тижорат банклари кучли, ишончли ва юқори самарадорликка эга бўлган платформалар асосида ахборот технологиялари ютуқларини банк фаолиятига дадиллик билан татбиқ қилиб, улар асосида мукаммал дастурлар яратиб, ахборот тизимлари инфратузилмасини ривожлантирмоқда. Янги хизматлар рўйхати мунтазам равишда кенгайтирилиб, тижорат банклари турли молиявий хизматларни кўрсатувчи, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос «супермаркет»ларга айланиб бормоқда.

Жорий йилнинг шу давригача республикамиз бўйича қарийб 44 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар «Банк-Мижоз» ва «Интернет-банкинг» дастурий мажмуалари хизматларидан фойдаланиб келмоқда. Мижозлар масофадан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали банк операцияларини амалга оширмоқдалар.

— Масофавий банк хизматлари кўрсатишни банкомат ва инфокиоскларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти директор ўринбосари Улуғбек Маҳмудов. — Фойдаланиши содда ушбу ускуналар бугунги кунда мижоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос минибанк-офис вазифасини ўтамоқда. Мазкур банкоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин.

Республикамизда муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 9,7 миллионтани ташкил этмоқда. Улар ёрдамида амалга оширилаётган операциялар тури ва сони ҳам сезиларли даражада ўсган. Тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж муттасил ортиб бориши тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун тежамли, кам вақт ва ҳаракат талаб этадиган юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Аҳоли ўртасида мобиль телефонлардан фойдаланишнинг кенгайгани боис «мобиль-банкинг» («wap-banking») ва «sms-банкинг» хизматлари йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда 107 минг нафар мижоз айни хизмат турларидан фойдаланмоқда. Обод турмуш йилининг биринчи чорагида ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 50 фоизга ўсгани аҳолининг қулай, ишончли ва тежамкор хизматларга ишончининг ортганидан далолат.

Тадбирда электрон тижорат, кредит ва дебет карталар, депозитлар ва бошқа қулайликлар, замонавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изланишлар бўйича ахборот берилиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Мухбиримиз.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

# «ГУЛБОҒ»ДАГИ ЯНГИ УЙЛАР ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

< [1]



— Яқин-яқингача ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш муаммо эди, — дейди гулбоғлик Зулайҳо Абдумажидова. — Пахса ёки хом ғиштдан икки хона уй қурса, боши осмонга етарди. Яна ўзи қурилиш битгунча, усталарнинг томоғига қарар, эртадан кечгача вақтини улар билан ўтказарди. Ҳозир эса намунавий уйларни давлатнинг ўзи қуриб беряпти. Айниқса, янгича шарт-шароитлари биз аёллар учун жуда қулай. Иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, ошхона, ҳаммомгача бор. Бир ёш оилага бундан ортиқ қулайлик бўлмайди. Қолаверса, томорқамизда помидор, булғор қалампири, бақлажон ҳосилга кирди. Анжир, олма, шафтоли, ток кўчатлари ҳам икки-уч йилдан сўнг мева бера бошлайди.

Бир пайтлар ташландиқ бўлиб ётган жой бугун замонавий қиёфа касб этди. Равон кўчалар, йўлаклар четидаги гулзорлар мавжуд гўзалликка чирой бағишламоқда. «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2013 йилда ҳам 13 та ана шундай турар-жой қурилиб, аҳолига топширилиши режалаштирилган. Ҳозирда қурилиш ишлари жадал давом этаётир.

— Аҳолига барча қулайликларни яратиш мақсадида ҳудудда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Паркент тумани бўлинмаси раиси Фахриддин Дадаматов. — «Гулбоғ» маҳалласидаги намунавий уйлар атрофида 720 ўринли тадбиркорлик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, 150 ўринли мусиқа мактаби, 280 ўринли болалар боғчаси ҳамда 490 ўринли умумтаълим мактаби қайта таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёпиқ сузиш ҳавзаси ва тиббиёт бирлашмаси қурилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаётир. Минибанк, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, дорихона, сартарошхона, савдо дўконлари ҳамда болалар майдончаси қуриб битказилди.

Дарҳақиқат, «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси учун барча шарт-шароитлар муҳайё. 3 километрли ички йўлларга асфальт ётқизилиб, кўча четларига 35 та тунгги ёритиш чироғи ўрнатилди. Канализация қувурлари ҳам марказий сувоқова тизимига уланган.

Мухтасар айтганда, юртимизда кўплаб намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларнинг бунёд этилиши қишлоқ аҳолиси турмуш сифати ва ҳаёт даражасининг янада юксалишига омил бўлмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

КЎРГАЗМА

# «Мутахассислик — сенинг келажагинг»

**Бугун мамлакатимизда ёшларнинг билим олишига, ҳунар эгаллашига улкан имконият ва шароитлар яратилган.**

Хусусан, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус таълим бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзусида кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмага 22 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей жамоалари ўз билим юртларида ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларини намойиш қилишди. Бундан кўзланган мақсад 9-синф ўқувчиларини касбга йўналтириш билан бирга уларни ҳар томонлама билимли, ақлли, энг асосийси, жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган инсон қилиб тарбиялашдан иборат.

Шунингдек, кўргазма ўзаро билим ва тажриба алмашиш имконини берди.

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА
«Mahalla»


ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«АСАКА»
давлат-акциядорлик тижорат банки
(очиқ акциядорлик жамияти)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

(миллий валютада)
«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

(АҚШ долларида)
«ИШОНЧЛИ»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

Хизматлар лицензияланган.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

# ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАРИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Юртимизда ўн икки йиллик узлуксиз таълимга асос солинди. Ўқитишнинг барча бўғинлари узвийлик, ўзаро уйғунлик асосида ташкил этилган. Жаҳон андозаларига мос янгидан-янги билим масканлари барпо этилиб, замонавий ўқув-лаборатория, компьютер жиҳозлари билан таъминланди. Бу жараёнда таълим сифати ва мазмунини муттасил такомиллаштириш, ўқув дастурларини оптималлаштириш, ўқувчи билимини баҳолашнинг мақбул усулини жорий этиш, болаларнинг билим олишга бўлган иштиёқи ва интилишини доимий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим фидойиларининг машаққатли меҳнатини эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўқитувчилар масъулиятини ошириб, дарсга илғор педагогик технологияларни жорий этиш ва ишга ижодий ёндашиш имконини бермоқда.

Жорий йилда юртимиз умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 532 минг нафардан зиёд ўқувчи тамомлайди. Қолаверса, ёзги таътилни интиқлик билан кутаётган миллионлаб болажонлар бор. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва ҳудудий тузилмалари уларнинг таътилни мароқли ўтказишларида кўмаклашиш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштирган. Жумладан, таътил давомида ўқувчилар спортнинг оммавий турларига жалб этилади. Турли спорт мусобақалари ташкил этилади. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларидан иборат 600 нафар ўқувчининг ёзги оромгоҳларда дам олиши учун ҳозирданоқ зарур шароит-шароитлар яратиб қўйилди.

Мамлакатимизнинг барча умумтаълим масканларида бўлгани каби пойтахтимизнинг Яккасарой тумани «Тўқимачи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 26-умумтаълим мактабида ҳам 2012-2013 ўқув йили якунига бағишланган сўнгги қўнғироқ тадбирини кўтаринки руҳда ўтказиш режалаштирилаётир.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, капитал реконструкция қилинган 26-умумтаълим мактабида 845 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Кенг ва шинам, замонавий лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминланган ўқув хоналари, маънавият хонаси, спорт зали ва майдони ўқувчи-ёшлар ихтиёрида.

Мактабда ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари, ноанъанавий услубларнинг изчил қўлланилиши болаларнинг билимларни осон ва пухта ўзлаштириши, турли фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувларда муваффақиятли иштирок этишида асосий омил бўлмоқда. Бу ерда фан, бадиий ижод, спорт-соғломлаштириш тўгараклари фаолияти тўғри йўлга қўйилгани ўқувчиларда касб кўникмаларини шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

— Бу йил билим масканимизнинг 9-синфини 106 нафар ўқувчи тамомлайди, — дейди мактаб директори Шоира Ибрагимова. — Уларни иқтидори ва қобилияти, қизиққан соҳалари бўйича касб-ҳунарга йўналтириш юзасидан ўқув йилининг бошиданоқ барча зарур чоралар амалга оширилди. Жумладан, «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида 12 марта «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Уларда ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди.

Ота-оналар, педагоглар, маҳалла фаоллари иштирокида мактаб битирувчилари ўртасида 3 марта сўровнома ўтказилгани ўсмир-ёшларнинг касб-ҳунар танлашига жамоатчилик томонидан жиддий эътибор қаратилганидан далолат.

Шунингдек, пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳларига ташкил этилган экскурсиялар, «Касбим — фахрим» фестиваллари орқали ёшлар муайян ихтисосликлар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлдилар. «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» мавзуидаги кўргазма, «Тўғри танланган касб — оила фаровонлигининг асоси», «Орзуимдаги касб» мавзуларидаги иншолар танлови юқори синф ўқувчиларининг фикрини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва психологлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳамкорлигида тегишли тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

— Бошланғич синфдаёқ математика фанига қизиқардим, — дейди битирувчи Моҳинабону Каримова. — Мактабда фанларни пухта ўрганиш давомида ҳисобчилик касбига оид дастлабки маълумот ва тасаввурга эга бўлдим. Меҳрибон устозларимдан олган билимимга таяниб, ўқишни Миробод темир йўл касб-ҳунар коллежида давом эттирмоқчиман.

Сўнгги қўнғироқ садоси қалбларга ҳаяжон солади. Бир масканда ўқиган ўқувчилар энди орзу-истакларига мос равишда бошқа-бошқа таълим даргоҳларида чуқур билим олиб, она-Ватан тараққиётига камарбаста бўладилар.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»





## Кучли қуюн оқибатида

☑ **АҚШнинг Канзас, Оклахома ва Айова штатларига тўфон ёғилди.**



Оклахома штатидаги Шауни шаҳрида бир киши табиий офат қурбонига айланди. Юзга яқин уйлар вайрон бўлди, электр тизимидаги узилиш сабабли 10 мингта яқин одам чироқсиз қолди. Кўплаб йўл транспорт ҳодисалари қайд этилди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида Уичита аэропортидан йўловчилар эвакуация қилинди.

Мур шаҳрида жабрланган 230 нафар киши шифохоналарга етказилди. Улардан 45 нафарини болалар ташкил қилади. Шаҳарда юзлаб бинолар вайрон бўлди. Уларнинг орасида бошланғич мактаб ҳам бор.

Кучли қуюн оқибатида дарахтлар илдизи билан кўпорилиб, электр симлари узилди, уйларнинг томлари ва автомобилларга зарар етди. Шаҳарда уяли алоқа хизмати умуман ишламаяпти, минглаб одамлар чироқсиз қолмоқда.

## Бозордаги ёнғин

☑ **Москвадаги автомобиль халқа йўлидан 41 километр жануби-ғарбда жойлашган «Мельница» қурилиш бозорида ёнғин чиқди.**



Россия Федерацияси ФВВнинг хабарларига қараганда, ёнғин майдони 1,7 минг квадрат метрни ташкил қилиб, тўлиқ ўчирилган.

Бозор ҳудудидан 2 минг нафар киши эвакуация қилинган.

## Олтин метро

☑ **Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёддаги метро станцияси олтиндан барпо этилади.**



«The Independent» нашрининг хабар беришича, станция қурилишига маблағ қирол Абдуллоҳнинг шахсий жамғармасидан ажратилади.

Пойтахтнинг молиявий туманида тўрт йил давомида куриладиган янги станция 20 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Станциянинг асосий қисмига мармар, деворларига эса олтин пластиналар ишлатилади.

Британиялик меъмор Заҳа Ҳадиднинг айтишича, станцияни лойиҳалаштиришда у Саудия Арабистонидаги қум уюмларидан илҳомланган. Чиндан ҳам станциянинг ташқи кўриниши қум уюмларига ўхшаб кетади.

## Ғаройиб концерт

☑ **Женевада ғаройиб концерт намойиш этилди.**



Шаҳарнинг марказий майдонида пианиночи Ален Роше ҳавода туриб бир нечта куй чалишнинг уддасидан чиқди. Мусиқа асбобини кран ёрдамида тахминан 20 метр баландликка кўтаришди, ижрочи эса камар билан боғлаб қўйилди.

Мусиқачи роялни тўғри ўтирган ҳолда эмас, балки осилган ҳолатда чалди. Мусиқа шайдоларининг фикрича, бундай ғайриоддий вазиятда мусиқа асбобининг овози ўзгача жаранглаган.

Интернет хабарлари асосида
Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

ТАНЛОВ

# Қайноналар беллашуви



**Пискент туманидаги «Митан» маҳалла фуқаролар йиғинида Обод турмуш йили муносабати билан маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳамда фонднинг туман бўлинмаси бош мутахассислари, маҳалла фаоллари ва намунали оилалар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир доирасида 6 нафар намунали оила бекаси бўлган қайноналар миллий урф-одат ва анъаналар, кийиниш маданияти, эрта никоҳ, одам савдоси ҳақида қисқа савол-жавоблар, оилавий муаммолар ечими ҳамда алла айтиш бўйича ўзаро беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Салима Жонбоева «Тарғиботчи қайнона», Муяссар Убайхонова «Ибратли қайнона», Мавжуда Турғунова «Пазанда қайнона», Робия Солиева «Жонкуяр қайнона», Марҳамат Нўъмонова «Маҳалла жонкуяри» ҳамда Тошбу Шоматова эса «Супер қайнона» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Шунингдек, шу куни маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда ташаббус кўрсатаётган 10 та хонадон «Энг намунали оила» ва «Энг саранжом-саришта хонадон» деб топилиб, уларга маҳалла ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди. 12 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога саховатпеша ҳомийлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бадиий ҳаваскорлар ва «Дурдона» ансамбли қатнашчилари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан меҳмонларни хушнуд қилдилар.

**Манзура ЭШОНОВА,
Пискент туманидаги «Митан» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

БОЛАЛАР СПОРТИ

# ЗАМОНАВИЙ ФУТБОЛ МАЙДОНЧАЛАРИ

**Сўнгги йилларда ўзбек футболи нафақат мамлакатимизда, балки Осиёда ўзига хос мавқе ва нуфузга эга бўлиб бормоқда. Терма жамоамиз ва клубларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган муваффақиятлари замирида, шубҳасиз, ёшларимизга қаратилган эътибор мужассам.**

Бугун пойтахтимизнинг қайси маҳалласига борманг, замонавий футбол майдончаларида тўп сураётган болалар ва ўсмир-ёшларга дуч келасиз.

— Болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавий турларини кенг тарғиб этиш борасида пойтахтимизда талай ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармасининг Оммавий спортни ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси Элнур Нурматов. — Шаҳримизда 2011 йили 90 та сунъий қопламали футбол майдончаси мавжуд бўлса, ўтган йили яна 102 таси фойдаланишга топширилди. Шу кунларда 40 дан зиёд ана шундай замонавий майдончалар барпо этиш ишлари давом эттирилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларида фаол иштирок этаётган болалар ва ўсмирлар шу майдонларда ўз маҳоратларини ошияпти.

Сергели туманидаги «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 11-12 ёшли болалар жамоасини «Футболимиз келажаги» кубоги кашф этган. Улар ўтган йили мазкур турнирда қатнашиб, кумуш медални қўлга киритишганди.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Маҳалламизда уч мингта яқин бола истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси Достон Савуров. — Уларнинг ўртасида футболга ихлосмандлари кўп. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида тузилган футбол тўгарагини «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, тажрибали мураббий Бахтиёр Абдураҳимов бошқармоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари билан жамоага эътибор янада ошди. Болаларнинг қизиқиш ва истеъдодларини тўғри йўналтириш мақсадида ҳудудимизда замонавий футбол майдончаси қурилмоқда.

«Тошкент-тола» корхонаси, 12-автосарой ва ҳудуддаги бошқа тадбиркорлик субъектлари болалар футбол жамоасига ҳомийлик қилмоқда. Жумладан, ёш футболчиларга кийим-кечак, спорт буюмлари ва совғалар топширилди.

— Жамоамизнинг тажрибасини ошириш ва маҳоратини юксалтиришда «Футболимиз келажаги»нинг аҳамияти катта бўлаётир, — дейди «Хонобод» ўсмирлар футбол жамоаси мураббийси Бахтиёр Абдураҳимов. — Маҳалламиз ушбу турнирнинг республика босқичида икки маротаба нуфузли ўринларни эгаллади. Бу йилги баҳсларда ҳам шогирдларим бор маҳоратларини кўрсатишади. Маҳалламизда қизлар футбол жамоасини ҳам туздик. Улар ҳам турли мусобақаларда маҳалламиз шаънини ҳимоя қилишади.

Дарҳақиқат, мазкур жамоанинг сўнгги йиллардаги муваффақиятлари маҳалла фаоллари, ота-оналар, нуронийлар томонидан эътироф этилмоқда.

Одилбек ОРТИҚОВ.

**«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ»**
**Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!**
**Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.**

Аёллар астарлик костюмшими 1-2 ой
Бисер тикиш 2 ой
Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой
Сунъий гул 1 ой
Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой
Рус тили 3 ой
Малака ошириш 1 ой
Инглиз тили 3 ой
Ўзбек миллий таомлари 1 ой
Турк тили 3 ой
Уйғур таомлари 1 ой
Математика 3 ой
Аёллар сартарошлиги 3 ой
Тўқувчилик 3 ой
Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой
Карвинг 3 ой
Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой
Торт ва пишириқлар 2 ой
Элита пардалар тикиш 1 ой
Торт олий курси 1 ой
Элита пардалар олий курси 1 ой
Бухгалтерия ҳисоби 3 ой
Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой
Тикувчилик 3 ой
Каштачилик, маш.вышивка 3 ой
Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой
Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой

**ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.**

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
Тел: +99871 221-77-72
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

Филиал: Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қуйлиқ, 4-уй, 40-хона
Мўлжал: Қуйлиқ универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
Тел: +99893 574-61-84
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93

БАЛЛИ ҚИЗЛАР

# ОРАСТАЛИК, ЗУККОЛИК ВА БИЛИМДА МОҲИРАЛАР

< [1]

Тўгарак аъзолари мактаб ва маҳаллаларда ўсмир қизлар ўртасида миллий қадриятлар, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, фарзанд тарбиясида маҳалла фаолларининг роли, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда мактаб муаллимлари ва маҳалла фаолларига кўмак бермоқда. Таълим муассасаларига бириктирилган ҳамширалар «Ораста қизлар»га раҳбарлик қилиб, унинг аъзоларига зарур йўл-йўриқ, амалий кўрсатмалар беришаётир.

— Халқ таълими, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳамкор ташкилотлар билан тўгарак фаолиятини ҳар жиҳатдан кучайтиришга эътибор қаратяпмиз, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озодахон Раҳмонова. — Тўгаракка ҳар бир мактабдан 10 нафар фаол, зукко қизни танлаб олиб, дастлаб фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган умумтаълим мактаблари ўртасида саралаш босқичларини ўтказдик. Иккинчи босқичга чиққан қизлар жамоасининг амалий ишлари, ҳозиржавоблиги таҳлил этилди.

Фаолияти яхши баҳоланган битта гуруҳга фестивалнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Бу жамоалар Марғилон педагогика коллежида беллашиб, иқтидорли ва ибратли қизларнинг 19 нафари сараланди. Вилоят терма жамоаси шакллантирилди. Ораста қизлар ҳуқуқий ва тиббий саводхонлик, интернетдан ўринли фойдаланиш, кийиниш, овқатланиш маданияти, оилавий тадбикорлик борасида 15 дан ортиқ йўналишлар бўйича ўз билимларини бойитишди. Айниқса, уларнинг одам савдоси, «оммавий маданият» хавфидан сақланиш тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишгани республика фестивалида қўл келди.

— «Ораста қизлар» тўгараги фаолият кўрсатаётганидан буён аёллар, қизларимизнинг жамият ривожидаги фаоллиги янада ошди, — дейди Қува туманидаги «Янги чек» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Таваккал Ҳошимов. — Маҳалламиз ўқувчиси Мурувватхон ана шу тўгаракнинг фаол аъзоси сифатида республика фестивалида ғолиб бўлганидан фахрландик.

Яқинда тўгарак аъзоларининг ҳушёрлиги туфайли маҳалламизда эрта никоҳнинг олди олинди. Улар ҳар куни маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари билан хонадонларда бўлиб, оилавий муҳит, ёшлар ҳаёти, уларга яратилган шароитлар билан танишиб, ибратли жиҳатларини оммалаштириш, камчиликларни бартараф этишда катталарга ёрдам беришмоқда. Муҳими, маҳалламизда Мурувватхондек ибратли ва ораста қизлар сафи кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳа, бугун фарғоналик ораста, зукко қизларга ҳавас қилувчи ёшлар кўп. Чунки улар ҳам ҳар жиҳатдан намунали, билимли ва зукко эканликларини амалда кўрсатиб, элга танилишди.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Шу боис умумтаълим мактабларидаги «Ораста қизлар» тўгараги фаолияти янада жонланди, вилоят ҳудудида эрта турмуш қуриш, ёшлар ўртасида жиноятчилик сингари салбий ҳолатларнинг сони кескин қисқарди. Боиси она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, буюк аждодларимиз билан фахрланиш, шу муқаддас юртга муносиб фарзанд бўлиш сингари эзгу ниятларни ҳар бир қизнинг қалби ва онгига сингдиришда «Ораста қизлар»нинг хизматлари беқиёс.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23565 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7216 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00